



Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2022-yil 8-dekabr / № 48 (4707)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Сиз, азиэларни, сизларнинг тимсолингизда кўпмиллатли бутун халқимизни мамлакатимиз ҳаётидаги улуг тарихий сана — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий му-боракбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур хурматим ва эзгу тилақларини изздор этаман.

Халқимизнинг хошиш-иродаси билан танлаб олинган ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти бар-по этиш йўлида мустақкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб келаётган Асосий қонунимизнинг миллий тараққиётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқийсдир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, ғоят оғир ва мураккаб бир шароитда қабул қилинган Конституциямиз бер-ган ҳуқуқ ва имкониятлар туфайли эл-юртимизнинг фидоко-рона меҳнати билан ўтган даврда ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида улкан ютуқ ва натижаларни кўлга киритдик.

Ана шундай мустақкам ҳуқуқий асосга таяниб, кейинги йилларда мамлакатимизда кенг кўламли демократик ислохот-лар жадал амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг мазмуни, ватандошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгармоқда. Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, миллати, тили ва динидан қатъи назар, жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, ўз тақдирининг чинакам эгаси, мамлакатимиздаги барча ўзгариш ва янгиланишларга ўзини нафақат дахлдор, балки бу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси, эркин ва бунёдкор инсон сифатида ҳис этмоқда.

Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қонуний кафолати бўлган, биз учун озод ва обод ҳаёт қуриш йўлини очиб берган Консти-туциямиз билан шу боис ҳар қанча фахрлансак, гурурлансак, арзийди, албатта.

Муҳтарам дўстлар!

Дунё миқёсида “Янги Ўзбекистон” деган ибора пайдо бўлиб, Ватанимизнинг халқро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда.

Барчангиз хабардорсиз, шу кунларда мамлакатимизда Асосий қонунимизга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича муҳокамалар давом этмоқда. Ушбу конституциявий ислохот-ларни Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мазмуни ва мантиғи, халқимиз билдираётган талаб, истак ва тақлифлар, мухтасар айтганда, шиддат билан ўзгараётган даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу сабабли ҳозирги вақтда “**Инсон – жамият – давлат**” деган тамойилни Конституциямиз ва қонунларимизга, кунда-лик ҳаётимизга чуқур сингдиришимиз зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон, унинг ҳаёти,

ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаат-ларини таъминлаш, инсон қадрини улуғлаш бу борадаги ис-лохотларимиз марказига олиб чиқилмоқда.

Жумладан, ижтимоий давлат тамойили, оила институ-тининг конституциявий асосларини мустақкамлаш, кекса авлод вакилларини, ногиронларни ишончли ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, таълим ва илм-фан, маданиятни ривожлантириш, фуқароларнинг эколо-гик ҳуқуқларини таъминлаш, экологик мувозанатни сақлаш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш каби кўплаб принципиал аҳамиятга эга масалалар Асосий қонунимизда муҳрлаб кўйилмоқда.

Бу жараёнда сиз, азиз ватандошларимиз — турли касб ва ижтимоий гуруҳга мансуб фуқароларимиз томонидан билди-рилган барча тақлиф, фикр ва мулоҳазалар албатта инобатга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади.

Айни шу асосда Бош қонунимиз чинакам халқ Қомуси, чи-накам халқ Конституцияси бўлади.

Хурматли юртдошлар!

Пандемия шароитига қарамасдан, мамлакатимизда меҳнат жамоаларида, маҳалла ва таълим масканларида, хонадонлар-да Конституция байрами, эҳтиёт чораларига амал қилган ҳол-да, кўтаринки руҳда нишонланмоқда.

Биз яқинлашиб келаётган янги — 2023 йил учун улкан дас-тур ва режаларни тузмоқдамиз. Конституциямизда белгилаб олаётган эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустақкамлаш, аҳоли фаровонли-гини ошириш, янги уй-жойлар барпо этиш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича катта-катта вазифалар бу дастурларда ўзининг аниқ ифодасини топтоқда.

Ишончим комилки, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, фи-докорона меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган юксак марра-ларга албатта эришамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Сизларни, бутун халқимизни Конституциямизнинг қутлуг байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Халқимиз тинч, юртимиз омон бўлсин!

Барчамизни Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун



Ўз қудратимни сақламоқ учун мен бир қўлимда адолат шамини, иккинчи қўлимда бегаразлик шамини тутиб, ҳар икки шам бирлан бутун умр бўйи ўз йўлимни ёритиб юрдим. Барча қилмишларимда ана шундай адолат қоидаларига риоя қилдим.

Амир ТЕМУР

КУЧ — АДОЛАТДА

Одамзод қайси замонда яшашидан ва қандай мавқеда бўлишидан қатъий назар, адолатсиз яшаши мушкул. Яша-ган тақдирда ҳам, бундай жамият асло ривож топмайди. Адолат бобида эса улуг Соҳибқирон Амир Темурга етадиган ҳукмдор қўхна тарих бисотида кам топи-лади.

Қонун-қоидалар асрлар давомида пайдо бўлиб, такомиллашиб боради. Қомус, Тузук, Тўра, Низом, Ясо, Шари-ат, Асосий қонун, Конституция ва бошқа сўзлар билан ифодаланган тартиб-қои-далар узоқ тарихий тараққиёт маҳсули саналади.

Инсонпарварлик ва адолат тамойил-лари акс этган бугунги Конституциямиз Истиқлол шарофати ила қабул қилинган бўлса-да, аслида унинг тарихий илдиз-лари узоқ тарихга эга. Улуг соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти, сиёсати ва ту-зуклари бугунги ҳаётимизда ҳам ўзига хос андоза вазифасини ўтайди. Негаки,

давлатни оқилона ва одилона бошқариш санъати баён этилган “Темур тузуклари” бугун ҳам ўзининг чуқур мазмун-моҳия-ти ва долзарблигини йўқотмаган, аксин-ча, ҳаётий жабҳаларда маънавий мезон бўлмоқда.

Россия императорлик жуғрофия жамиятининг ҳақиқий аъзоси Д.Лого-фет 1913 йили Санкт-Петербургда нашр этилган “Бухоро тоғлари ва текисликла-ри” китобида шундай ёзган: “Оврўпода конституция ҳақида оддий тушунчага эга бўлишмаган бир даврда... Амир Те-мур давлатида конституцион қонунлар мажмуаси — “Тузуклар” мавжуд бўл-ган ва амал қилган. Унинг ҳокимиятида фуқароларга адолат билан муносабатда бўлинган. Ўзингиз тасаввур қилинг, биз зўр бериб тартибга солаётган “даромад солиғи” деган тамойил унинг ҳокимия-тида ўшандаёқ мавжуд эди. Темур амал-дорлардан иш юритаётганда қонун ва адолатга бўйсунини талаб қилган. Қам-

чи ва таёқ ишлатиш қатъий таъқиқлан-ган. “Қамчи ва таёқдай обрўга эга бўлма-ган одам амалдор бўлишга арзимаиди”, деб тез-тез такрорларди Амир Темур”.

Тарихда қудратли салтанатлар ва ҳукмдорлар кўп ўтган. Бироқ буюк даҳо сифатида ном қолдириш учун фақат куч-қудратнинг ўзи камлик қилади. Амир Темур шахсий ҳаётида уч мўътабар асос — диёнат, адолат ва қатъият билан амал-га оширилган сиёсатга таянган. Буюк Соҳибқироннинг ҳаёти “Куч — адолат-дадир” деган ҳикмат билан йўғрилган. Ушбу ғоя асосида ўзбек халқига хос дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, ва-танпарварлик, мардлик, одамийлик каби фазилатлар мужассамдир. Бу сўзлар бугунги кунда ҳам улкан аҳамиятга эга.

“Кучсиз адолат ва адолатсиз куч — ик-кови ҳам даҳшат”, деб ёзган эди қадимги юнон донишманди Эсхил. Сўнгра у фикри-ни шундай давом эттиради: “Агар куч адолат билан бирлашса, бу ҳамкорликдан кучлироқ нима ҳам бўлиши мумкин?”



12 декабрь — Чингиз Айтматов таваллуд топган кун

Чингиз АЙТМАТОВ

ОЛИС ЮЛДУЗ ШУЪЛАСИ ёхуд бир сиқим түпроқ

Дарҳақиқат, инсон туғилиб ўсган ота-юртда тақдирга дастлаб пойдевор қўйила-ди. Муҳими — отаюртдан олган ва юқтирган нарсаларни қалб кўри билан илтиб, худди бол тўплаётган асалари мисоли юракка жойлаб олишинг керак.

Мактабда ўқиб юрган кезларим бит-та меҳрибон муаллим бундай деган эди: “Отаннинг номи тилга олинган пайтда ҳеч қачон кўзларингни яширмагин”. Бу оқи-лона насиҳат оғир дамларда менга мадад бўлди, хотирамга бир умр муҳрланиб қол-ди. Ўша сўзлардан: “Отанг халқ душмани эмас”, деган маънони англаш мумкин эди. Бола қалбимни ана шу сўзлар илтиб ту-рарди.

Тарих хотирасининг тор қолиплари ичида ўралашиб юриш ҳам миллатни тўғри йўлга олиб чиқмайди. Айни пайтда, ўтмишнинг бутунлай унутилиши маънавий манкуртликка олиб боради.

Оқилона йўл шундан иборатки, умум-



инсоний маданият таомилларига суянган ҳолда тарози паллалари мувозанатини баробар ушлаб туриш керак. Шунинг учун ҳам бу фалсафа “сахройи академия” дей-илади. Ўтмиш тажрибаларидан унумли фойдаланган ҳолда келажакни кўзлаб, инсоният жамиятининг қонун-қоидаларига риоя этиб онгли ҳаёт кечиришни ўрганиш лозим.

XX асрда инсонпарварлик инқирозга учрагани бор гап.



ОСМОНДА — ҚУЁШ, ЕРДА УСТОЗ АЗИЗ

Архимед: “Таянч нуқтасини топиб бе-ринг, мен Ер шарини кўтараман”, деган экан. Мактаб ҳаётида ўша таянч нуқта — ўқитувчи ҳисобланади. Ўқитувчининг таърифини кўп келтириш мумкин, бироқ ҳаммасидан Алишер Навоий ҳазратлари ошириб айтганлар:

Ҳақ йўлида ким сенга
бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо
онинг ҳақин юз ганж ила.

Ёки Александр Македонскийнинг бир гапи ривоят тарзида келтирилади: “Устоз мен учун отамдан улуг. Отам мени дунёга келтирган, устоз эса яшашни ўргатган. Туғилиш осон, яшаш қийин”.

Бу таърифлар, зътирофлар йиллар ўтган сари эскирмаган ёки қадрини йўқот-маган, балки талотўм замонларда бундан кўра яна авжи ошган, кучайган. Устоз-шо-гирдлик тараққиётнинг абадийлик занжи-ри. Устознинг қуввати тугаган жойда шо-гирднинг фаолияти бошланади ва бу ҳол кашфийтга олиб келади. Устозлик мақоми касблар, даражалар ичида энг юқориси. Оллоҳ таоло Одам Отани ер юзида қойим

қилгач, ул зот жами одамзотга Устоз бўл-ди.

Устозлик ҳам ҳамма бандасига яраша-вермайди, насиб этавермайди. Устозлик, биринчи навбатда, фидойилик. “Қобили-ятни нимага етса, ҳаммасини шоғирдла-римга бердим. Мен борлиғимни уларга бердим”, дейди бири. “Шам эдим, шо-гирдлар даврасида ёниб тугадим. Мен ҳаётимни уларга бердим”, дейди яна бири. “Дунёни кўтарадиган шахтим бор эди. Ҳаммасини шоғирдларимга улашдим. Мен юрагимни уларга бердим”, зътироф этади ўзгаси. Ўз касбидан мамнун устозларнинг бу дил сўзлари уларнинг тирикликдан орт-тирган энг катта мукофотларидир. Устозга шу даражада қаралган ва шундай қабул қи-линг. Шунинг учун ҳам “Устоз отангдан улуг” деганлар.

Энди бугун биз қандай “устоз”ларни кўриб турибмиз? Бу замоннинг эврилиши-ми ёки инсониятнинг таназзулими? Йўқ, ҳар иккаласи ҳам эмас, дунё ўз ройиши-да ҳаракатини давом эттираётган, ҳаёт эса ҳали неча асрлар давом этиши шак-шубҳасиз.



АДАБИЙ ДЎСТЛИК – АБАДИЙ ДЎСТЛИК

Ўзбек ва туркман халқларининг маданий, адабий алоқалари илдизла-ри олис асрларга бориб боғланади. Ўзбекнинг тўйларида Алишер Наво-ий ғазаллари билан бир қаторда Махтумқули шеърлари ҳам қўшиқ қилиб айтилади, болаларимиз “Ўзрамд ва Қиммат” билан бирга “Ёртиқулоқ” эртагини ҳам ёд билишади.

ҚАРДОШЛИК МАНЗИЛИ

Келаси йил буюк туркман шоири Мах-тумқули таваллудига 300 йил тўлади. Бу сана бизнинг мамлакатимизда ҳам кенг нишонланиши шубҳасиз.

Замонавий туркман адабиёти намоя-наларидан бири Берди Кербобоев Навоий, Ҳамза, Абдулла Қодирий ижодидан илхом-ланган, Ойбек ва Фафур Фуломнинг айрим асарларини туркманчага таржима қилган. Берди Кербобоевнинг деярли барча йирик жанрдаги асарлари ўзбек тилида чоп этил-ган. «Махтумқули» драмаси Комил Яшин томонидан таржима қилиниб, сахнага қў-йилган. Туркман адабиёти намуналари Пи-римқул Қодиоров, Саъдулла Кароматов, Но-сир Фозилов, Баҳодир Карим, Очил Тоҳир таржималарида ўзбек китобхоналарига етиб борган.

Сўнгги йилларда икки мамлакат санъат усталари иштирокида концертлар уюшти-

риш, халқаро ижодий фестиваллар, спорт тадбирларида биргаликда қатнашиш яхши анъанага айланди. Жумладан, “Ипак йўли дурдонаси” XIII Тошкент халқаро кинофес-тивали доирасида туркман киноси кунлари муваффақиятли ўтди.

Шундай тадбирлардан бири жорий йил ноябрь ойида Туркменистоннинг Тошовуз шаҳрида бўлиб ўтган ўзбек ва туркман халқлари дўстлиги фестивалидир. Мен ҳам Ўзбекистон делегацияси таркибида ушбу тантаналарда иштирок этдим. Де-легация Хоразм вилояти мусиқали драма театри жамоаси, “Ўзбекино”, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси вакиллари, хонанда, созанда, раққосалардан иборат эди.



